

**Москва ва Бутун Рус патриархи КИРИЛЛНИНГ архипастирлар, пастирлар,  
диаконлар, роҳиблар ва Рус Православ Черковининг барча содик фарзандлариға  
Пасха хабарномаси**

**Муқаддас архипастирлар, қодир оталар, ҳақиқатгүй роҳиб ва роҳибалар, азиз  
биродарлар ва опа-сингиллар!**

**МАСИҲ ТИРИЛДИ!**

Саҳоватли Парвардигорнинг инояти билан биз нурафшон Пасха тунига етишдик ва яна бир бор Масиҳнинг улуғвор тирилишидан хурсанд бўлдик. Барчангизни ушбу буюк байрам ва тантаналарнинг тантанаси билан чин қалбимдан табриклайман.

Биз бугун ёдга олиб турган воқеадан бизни деярли икки минг йил ажратиб турибди. Бироқ, хар йили черков Маишнинг тирилишини ўзгача рухий хаяжон билан нишонлайди шунингдек, Куддус деворлари яқиндаги гўрда ўтган дафн маросимида содир бўлган воқеаларнинг шубҳасизлигига шоҳидлик беради.

Худо Ўғлининг ер юзида яшаб ўтган йўли: мўъжизавий тарзда дунёга келишидан тортиб, Хочдаги даҳшатли ўлимгача - Яратгувчининг биринчи отамиз ва онамизга берган аҳдининг амалдаги ифодасидир. Худо бизнинг дардларимизни, касалликларимизни ўзига оладиган (Иш. 53, 4) ва Ўз халқини гуноҳларидан қуткарадиган Зотни дунёга юборишига ваъда берган (Матто 1, 21) ва бу ваъдани Раббимиз пайғамбарлари орқали бир неча бор исботлаган. Истроил халқи аҳдан чиқиб, Яратгувчининг иродасини бузганда ҳам бу ваъдада содик қолди.

Масиҳнинг тирилишида Худонинг севгиси тўла-тўқис намоён бўлади, чунки ўлим, охир-оқибат, инсонни ҳақиқий ҳаёт манбайидан узоқлаштирадиган охирги чегара ҳисобланади. Жисмоний ўлим мавжуд бўлиб, у инсон танасини ўлдирса-да, енди у бизнинг руҳларимизни ўлдиришга қодир емас, яъни Яратгувчи билан мулоқотдаги абадий ҳаётдан бизни маҳрум қила олмайди. Ўлим мағлубиятга учради – унинг найзаси чиқариб ташланди (1 Кор. 15, 55). Раббим асиirlарни асирга олди (Ефес. 4, 8) ва дўзахни қуи қилди. Худо учун имконсиз нарса йўқ (Луқо 1,37) – ваъда берганидек, У тирилди (Матто 28, 6)!

Бу йил Парвардигор ер юзидаги одамларга маҳсус синовлар юборди. Ҳалокатли дард дунё бўйлаб тарқалиб, мамлакатларимиз чегараларига ҳам етиб келди. Ҳокимият эпидемия тарқалишининг олдини олиш учун чекловчи чоралар жорий қилмоқда. Москва Патриархиясининг ваколатида бўлган баъзи мамлакатларда жамоат ибодатлари, шу жумладан, Илоҳий Литургия тўхтатилди. Бироқ, биз православ христианлари ваҳима қилмасдан, бундай мураккаб вазиятда тушкунликка тушмаслигимиз, умидимизни йўқотмаслигимиз керак. Биз сизларни ички хотиржамликни сақлаб қолишга ва Нажоткорнинг азобланишидан аввал айтган сўзларини ёдда сақлашга чақирамиз: “Дунёда қайғу-алам чекасизлар. Дадил бўлинглар: Мен дунёни енгдим” (Юҳанно 16, 33).

Пасха гуноҳларга қулликдан Осмон Шоҳлигидаги озодликка, Худонинг фарзандлари билан бирга улуғвор эркинликдан баҳраманд бўлишга (Рим. 8, 21) инсоният учун кўприк бўлди. Фақат Нажоткорнинг тирилиши туфайли биз чин маънодаги эркинликка эришамиз, буни ҳурматли Павел ҳам тасдиқлаган: “Масиҳ бизга берган эркинликни маҳкам тутинглар” (Галат. 5, 1). Мазкур сўзларни неча марта ўқиганмиз ёки эшитганмиз?

Энди ўйлаб кўрайлик, биз бугун Масиҳ қайта тирилмагандек яшамаяпмизми? Биз тўсатдан бизга намоён бўлган абадийлик бойлигини охири йўқ ташвишларга алмашмаяпмизми, яна бир бор бу дунёning шовқинига, ўткинчи қўркувларга берилиб ва

ўзгармас рухий хазиналарни унугиб, насронийларнинг Раббига поклик ва садоқат билан хизмат қилишдек асл мақсаддан оғмаяпмизми (Луқо 1, 75)?

Отамиз ва Худонинг назарида пок ва беғубор дин–диёнатли бўлиш аслида (Ёқуб 1, 27) Яхши Чўпоннинг Хушхабарида бизга айтилганларга амал қилиб, бир-биримизга муҳаббат ила боқиб, сабр-тоқатли бўлиш, синовларда бир-бирларига ёрдам бериш ва кўллаб-қувватлаш демакдир. Ҳеч қандай ташқи чекловлар бизнинг бирлигимизга ҳамда Раббимизни, ўлимни енгиб, Худо фарзандлари бўлишимиз ва аталишимиз имкониятини бизга тақдим қилган Нажоткоримиз - Исо Масиҳни таниш орқали қўлга киритган рухий эркинлигимизга путур етказмаслиги керак. (1 Юҳанно 3, 1).

Черковнинг барча содик болаларида юрак ва жон яқдилдири (Ҳаворийлар 4, 32), чунки алоҳида-алоҳида бўлганда биз аъзолармиз, биргаликда эса Масиҳнинг бир бутун танасимиз ва ҳеч нарса бизни Худонинг меҳр-муҳаббатидан жудо қилишга қодир эмас (Римликларга 8, 39). Шунинг учун бугунги кунда объектив сабабларга қўра маъбадга келиб, ибодат қилиш имконига эга бўлмаганлар билсингларки, улар ҳамиша ёдимизда ва ибодатларимиздадирлар. Имон бизга Раббимизнинг ёрдами билан яшаш ва турли касаллик ҳамда синовларни енгиш учун мададкор бўлди.

Сизга, азизларим, ҳаммангизга чин юракдан мурожаат қилиб, барча қийинчиликларга қарамай Раббимиз бизга Черков фаровон литургик ҳаётининг аъзолари бўлиб қолишимизни ато этиши, Муқаддас Евхаристия маросими тўхтамаслиги ҳамда ибодатга содиқлар жасорат билан Ҳаётнинг муҳаққақ манбаи - Муқаддас Масиҳ сирларидан огоҳ бўлишини сўраб тинмай дуода бўлишингизга даъват этаман.

Биз тирилган Нажоткор ўз черковини унугиб қўймаслигига, имонда мустаҳкам туриш учун ирова ва жасорат ато этишига ҳамда абадий ҳаётга эришиш учун ер юзидағи ҳаёт йўлимизни ёруғ юз билан босиб ўтишимизга ишонамиз.

Барчангизни, азиз биродарларим ва сингилларим, Муқаддас Пасха байрами билан чин қалбимдан табриклайман ва сизга доимо Нажоткорнинг ҳақиқий шогирдлари суратини намоён этишингизга, атрофдагиларга ўрнак бўлишингизга ва "Сизни зулматдан ўзининг илоҳий нурига даъват этган" лик (1 Пет 2, 9) мукаммаллигига эришишингизга даъват этаманки, ҳаётимизнинг барча қунларида бизнинг ҳаракатларимиз Пасха сўзларининг абадий қудрати ва садоқатидан гувоҳлик берсин!

### **МАСИҲ ҲАҚИҚАТДА ТИРИЛДИ!**

МОСКВА ВА БУТУН РУС ПАТРИАРХИ

Масих Пасхаси 2020 йил